



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 24 май, № 100 (6535) Сешанба

Сайтимишга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 23 май куни Оқсаройда мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Ван Ини қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, Ўзбекистон мамлакатларимиз ўртасида барча йўналишлардаги барқарор ва ишончли ҳамкорликни юксак қадрлашини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги узоқ муддатли манфаатларга асосланган стратегик шериклик муносабатларининг устувор йўналишлари ва истиқболли белгилашда мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотлар алоҳида аҳамиятга эга.

Урашувда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин-

нинг мамлакатимизга бўлажак давлат ташрифи ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришда муҳим босқич бўлиши таъкидланди.

Ўзбекистон ва Хитой ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорлик бўйича катта тажриба тўплаган. 2015 йилда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 4,1 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинган Хитой инвестицияси ҳажми 6,5 миллиард доллардан ошди. Мамлакатимизда Хитой капитали иштирокида ташкил этилган

651 корхона фаолият кўрсатмоқда, бир қанча муҳим қўшма лойиҳалар амалга оширилган.

Икки мамлакат ишбилармонлари "Ангрен" махсус индустриал зонасида шина ва конвейер ленталари ишлаб чиқариш заводи, "Навоийазот" акциядорлик жамияти базасида поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш комплексини барпо этиш бўйича ва бошқа йирик лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этмоқда.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасида кўп асрлик тарихий ришталарга асосланган таъ-

лим, илм-фан, технологиялар, тиббиёт ва маданият соҳаларидаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда.

Урашувда Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислиги доирасида бўлиб ўтадиган тадбирларда Хитойнинг иштироки ва Ўзбекистон — Хитойнинг ўзаро ҳамкорлигига доир бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ШХТнинг кузатувчи давлатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари иштирокида Тошкентда бўлиб ўтадиган саммити муҳим сиёсий воқеа бўлиб, саммит давомида ташкилот-

нинг турли соҳалардаги фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган муҳим қарорлар қабул қилиниши таъкидланди.

Меҳмон Президентимизга самимий қабул ва ўзаро ҳамкорликнинг долзарб масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммоларни атрофлича муҳокама этиш имконияти яратилгани учун миннатдорлик билдирди.

Ў.А.

Сарвар ҲУМОНОВ олган суратлар.

### Парламентдаги мухбирларимиз хабар қилади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда "Электрон ҳукумат"ни жорий этишнинг ҳуқуқий асослари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

## «Электрон ҳукумат» — фаолият очиклигининг муҳим асоси

Парламент қўйи палатаси депутатлари, давлат органлари раҳбарлари ва маъсул ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари ҳамда соҳа мутахассислари қатнашган мазкур тадбирда "Электрон ҳукумат" тизимини фаолияти ва жорий қилинишини тартибга солувчи қонунчиликнинг амалиётда қўлланилиши самарадорлигини ошириш масалалари атрофлича муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда кенг турдаги интерфаол хизматлар кўрсатишни ўз ичига олган ахборот-коммуникация технологияларининг барча жабҳадаги роли ҳамда аҳамияти тобора ортиб бормоқда. 2015 йилнинг 9 декабрида Президентимиз томонидан имзоланган "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Бинобарин, ушбу ҳуқуқий ҳужжат давлат бошқаруви тизимидаги маъмурий ислохотларни

чуқурлаштириш, "бир дарча" тамойили асосида электрон давлат хизматларини кўрсатиш ва уни доимий такомиллаштириб бориш, давлат органлари фаолиятининг очиклиги ҳамда ошқоралигини, пировардида аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

Давра суҳбатида миллий ахборот маконини янада ривожлантириш, "Электрон ҳукумат" тизимини такомиллаштириш ҳамда жорий этишда 2013 — 2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури ҳам алоҳида аҳамиятга эгалигига урғу берилди. Унга кўра, 2013 — 2020 йилларда 2,1 трлн. сўмлик телекоммуникация технологиялари ва алоқа инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган 17 лойиҳа, "Электрон ҳукумат" маълумотлар базаси ҳамда ахборот тизимлари комплексини яратишга оид 28 та тадбир ҳамда лойиҳалар рўйбга чиқарилади.

(Давоми 2-бетда).

## Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида парламент юқори палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан "Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш борасида фуқаролик бурчи: масъулият, садоқат, дахлдорлик" мавзусида семинар ўтказилди. Унда сенаторлар, Мудофаа, Ички ишлар, Адлия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Давлат божхона қўмитаси, "Камолот" ЁИХ Марказий кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамда фуқаролар йиғинлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Семинар қатнашчилари томонидан юртимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ тараққиёт ва ривожланишнинг ҳамда бахтли ҳаётимизнинг асосий омил бўлган тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар рўйбга чиқарилаётгани, бу амалда юқори самара бераётгани таъ-

кидланди. Хусусан, ўтган йилларда Ҳарбий доктрина, Ташқи сиёсий фаолият концепцияси, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида"ги, "Мудофаа тўғрисида"ги, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонунлар ҳамда суверенитетни, ҳудудий хавфсизлигини, аҳолининг тинч ҳаётини муҳо-

фаза этиш ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган бошқа қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

— Мамлакатимиз мудофаа тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар юксак самара бераётгани бугун ҳеч кимга сир эмас, — дейди Олий хавфсизликни, аҳолининг тинч ҳаётини муҳо-

армиямизни замонавий курол-яроғ ҳамда техникалар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш борасидаги саъй-ҳаракатлар изчил давом эттирилмоқда. Энг муҳими, ўтган йиллар давомида армия тамомила ислох қилинди, чақирув муддати бир йил этиб белгиланди ҳамда қўшинлар таркиби, уларнинг тўлдириш, ҳарбий курол-яроғлар билан жиҳозлаш тартиби ҳам ўзгартрилди. Шунингдек, сафарбарлик чақирuvi резервдаги ҳарбий хизмат жорий қилинди.

(Давоми 2-бетда).

### БИР РАҚАМ ШАРҲИ



(Давоми 2-бетда).

## Аниқ мақсадлар, қатъий интилишлар

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан "Ўзбекистон ёшлари: ҳаётий қадриятлар, одоб-ахлоқ, келажақ режалари" мавзусида социологик тадқиқот ўтказилди.

### ИЖТИМОЙ ФИКР

Сўров якунига кўра, билим олиш, унинг даражасини мунтазам ошириб бориш Ўзбекистонлик навқирон авлод вакиллари ҳаётида муҳим ўрин тутди. Сўнгги йилларда олий таълимнинг ижтимоий аҳамияти юксалиб бораётгани ҳам буни яққол тасдиқлайди. Агар 2010-2011 йилларда ёшларнинг учдан бир қисми олий ўқув юрларида ўқишни хоҳлаган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткич 56,8 фоизга етди. Улар,

асосан, педагогик мутахассисликлар, тиббиёт, иқтисодиёт, молия, ахборот технологиялари ва ҳуқуқ соҳаси билан боғлиқ йўналишларда таълим олишни маъқул кўришларини билдирган.

Ёш фуқаролар хорижий тиллар, айниқса, инглиз тилини ўзлаштиришга катта аҳамият беришяпти. Айни пайтда АКТга бўлган қизиқиш ортиб бораётир. Тадқиқотдан маълум бўлдики, эртамиз эгаларининг

кўпчилиги компьютерда эркин ишлайди ва уларнинг ҳар иккинчиси интернетдан фойдаланади.

Аҳолининг мазкур қатлами ўртасида бандлик даражаси ҳам ўсиб бормоқда. Респондентларнинг 89 фоизи меҳнат қилиши ёки олий ўқув юрти, коллеж, лицей, мактабда таҳсил олаётганини айтиб ўтган. Янги авлод кичик бизнесга тобора фаол кириб бораёпти. Иштирокчиларнинг ҳар ўн нафаридан бири хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиши, ҳар учинчиси эса ўз бизнесини шу йил охиригача йўлга қўйиши режалаштираётганини айтиб ўтган.

(Давоми 3-бетда).

# ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЮКСАК САМАРАСИ



(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Президент Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон Марказий Осиеда етакчи мамлакатга айланди, — деди Хван Гё Ан. — Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги нуфузи юксалиб бормоқда. Мамлакатингизда ялли ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари сўнгги ўн бир йилда 8 фоиздан юқори бўлаётгани, иқтисодийни модернизация қилишга оид дастурлар ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани эътиборга молик. Устюрт газ-кимё мажмуаси мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ишончга асосланган ҳамкорликнинг ёрқин намунаси.

Устюрт газ-кимё мажмуаси — дунёдаги энг йирик лойиҳалардан бири. Мазкур мажмуа нуфузли халқаро нашрлар томонидан юксак эътироф этилган. Хусусан, "Project Finance International" халқаро нашри ушбу мажмуани қўриқ лойиҳасининг лойиҳавий молиялаш битимини нефть-кимё ва газ-кимё секторидаги 2012 йилнинг энг яхши лойиҳаси, деб эътироф этган. У "Trade Finance magazine" ва "Global Trade Review" нашрларининг "2012 йилнинг энг яхши битими" халқаро мукофотларига сазовор бўлган.

2014 йил 13 мартда яна бир нуфузли халқаро нашр — "Infrastructure Journal" ушбу газ-кимё мажмуаси қўрилиши

меҳнат қилган ўзбекистонлик профессионал ёш мутахассислар фаолиятида ҳам яққол намоён бўлди. Келгусида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада қўллаб-қувватлагани учун Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси Президентларига самимий миннатдорлик билдираман.

Президент Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон иқтисодиёти изчил тараққий этмоқда, — деди "Kogas" компанияси президенти Ли Сён Хун. — Мамлакатингиз билан кўп йиллардан буён турли йўналишларда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Устюрт газ-кимё мажмуаси — улардан бири. Келгусида ўзаро алоқаларни янада фаоллаштириш, янги қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқариш ва амалга ошириш тарафдоримиз.

Қурилиши 2012 йилда бошланган Устюрт газ-кимё мажмуасида газни тақсимлайди-

газ, этилен, полиэтилен, полипропилен ишлаб чиқарадиган ва энергия манбалари билан таъминлайдиган жами бешта завод, шунингдек, замонавий инфратузилма объектлари барпо этилган. Улар дунёдаги энг замонавий юқори технологиялар билан таъминланган, энг сўнгги рўсумдаги усунлар ўрнатилган. Мажмуада 1300 га яқин мутахассис

газ, этилен, полиэтилен, полипропилен ишлаб чиқарадиган ва энергия манбалари билан таъминлайдиган жами бешта завод, шунингдек, замонавий инфратузилма объектлари барпо этилган. Улар дунёдаги энг замонавий юқори технологиялар билан таъминланган, энг сўнгги рўсумдаги усунлар ўрнатилган. Мажмуада 1300 га яқин мутахассис

газ, этилен, полиэтилен, полипропилен ишлаб чиқарадиган ва энергия манбалари билан таъминлайдиган жами бешта завод, шунингдек, замонавий инфратузилма объектлари барпо этилган. Улар дунёдаги энг замонавий юқори технологиялар билан таъминланган, энг сўнгги рўсумдаги усунлар ўрнатилган. Мажмуада 1300 га яқин мутахассис



(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

газ, этилен, полиэтилен, полипропилен ишлаб чиқарадиган ва энергия манбалари билан таъминлайдиган жами бешта завод, шунингдек, замонавий инфратузилма объектлари барпо этилган. Улар дунёдаги энг замонавий юқори технологиялар билан таъминланган, энг сўнгги рўсумдаги усунлар ўрнатилган. Мажмуада 1300 га яқин мутахассис

газ, этилен, полиэтилен, полипропилен ишлаб чиқарадиган ва энергия манбалари билан таъминлайдиган жами бешта завод, шунингдек, замонавий инфратузилма объектлари барпо этилган. Улар дунёдаги энг замонавий юқори технологиялар билан таъминланган, энг сўнгги рўсумдаги усунлар ўрнатилган. Мажмуада 1300 га яқин мутахассис

фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг уч юздан зиёди коллеж битирувчиси.

Давлатимиз раҳбарининг ёшлар бизнинг бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир, деган сўзлари бизга доимо қанот, куч бағишлайди, — деди Устюрт газ-кимё мажмуасининг полиэтилен ишлаб чиқариш цехи operatori Азизбек Калиев. — Биз, ёшларга билдирилаётган бундай ишонч ва яратилаётган шароитлар, эътибор ва ғамхўрлик фаол иш юритишимизда кучгайрат бағишлайди, янги марраларни эгаллашга чорлайди. Коллежни битиргач, ушбу газ-кимё мажмуасига ишга қабул қилиндим. Бундай гоят йирик ташкилотда меҳнат қилиш катта шараф. Ушбу мажмуада самарали ишлашимиз, бўш вақтимизни мазмунли ўтказишимиз учун барча шарт-шароит яратилган.

Устюрт газ-кимё мажмуасида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни синов тарихида ўтган йили бошланган эди. 2015 йилда 54,9 минг тоннадан зиёд султирилган углеводород газ, 34 минг тоннадан ортиқ газ конденсати ишлаб чиқарилди. Магистраль газ қувурларига 1,8 миллиард куб метрдан ортиқ этан ва газ, "Ўзбекэнерго" акциядорлик жамияти энергия тизимига 87,5 минг мегаваттдан зиёд электр энергияси этиказиб берилди. Айни пайтда пиролиз дистилляти Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида бензин тайёрлаш учун юборилмоқда. Полиэтилен ва полипропилен қор хорижий давлатларга экспорт қилинмоқда. Шу кунга қадар қарийб 150 миллион долларлик 186 минг тоннадан ортиқ полиэтилен ва полипропилен Марказий ҳамда Шарқий Осиё, МДҲ ва Европа мамлакатларига жўнатилди. Маълумотларга кўра, 2020 йилга бориб, полиэтилен ишлаб чиқариш ҳажми 4,1 баробар ошади.

Мухтасар айтганда, Устюрт газ-кимё мажмуаси мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга, пировардида аҳоли турмуш даражасининг янада юксалишига хизмат қилади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев, Корея Республикаси Бош вазири Хван Гё Ан сўзга чиқди.

Ноҳира МАНЗУРОВА,  
Аминбой ОРТИҚБОВ,  
ЎЗА махсус мухбирлари.

Аъло АБДУЛЛАЕВ  
олган суратлар.

## КОНФЕРЕНЦИЯ

Пойтахтимизда "Машинасозлик техника ва технологияси: ҳолати ва келгуси тараққиёти" мавзuida республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги кўмагида Тошкент давлат техника университети томонидан ташкил қилинган ушбу тадбирда олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, илмий изланувчилар, илмий-тадқиқот институтлари, ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари, шунингдек, талаба-ёшлар иштирок этди.

## Машинасозлик соҳасига илғор ишланмалар

Таъкидландики, мамлакатимизда машинасозлик тармогини ривожлантириш, уларни замонавий технологиялар билан таъминлаш, муҳандислик-техника йўналишлари бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрлаш, илмий-технологик масалаларни ҳал қилиш, илғор хорижий технологияларни синаб қўриш ҳамда жорий этишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Президентимизнинг 2016 йил 2 майдаги "Тошкент давлат техника университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борда олиб борилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқмоқда. Негаки, мазкур ҳужжатда чет мамлакатлар таълим муассасаларининг таърибасини ҳамда мамлакат иқтисодиёти талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, тегишли муҳандислик-техник ва ишлаб чиқариш йўналишлари ҳамда мутахассисликлар бўйича давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларини, илмий-услубий адабиётларни тайёрлаш каби муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Тадбирда механика ҳамда машинасозлик йўналишида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар сарҳисоб қилиниб, айрим масалалар атрофида муҳокама этилиши баробарида, истиқболдаги режалар белгилаб олинди, — дейди ТДУТ профессори, техника фанлари доктори Камолхон Каримов. — Айниқса, унда бугунги кунда университетимизда рўйбга чиқарилаётган 20 дан

Конференция доирасида уюштирилган шубъа мажлисларида "Машинасозлик тармоқлари муаммолари ва ривожланиш истиқболлари", "Машинасозликнинг замонавий техника ва технологияси", "Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш техника ва технологиялари" сингари мавзуларда маърузалар тингланди. Яқинда соҳани янада ривожлантиришга қаратилган зарур тавсиялар ишлаб чиқилди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ.

## «Электрон ҳукумат» — фаолият очиклигининг муҳим асоси

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Мулоқот чоғида тегишли вазирлик ва идораларнинг "Электрон ҳукумат" лойиҳасидаги "Солиқ", "Божхона", "Бюджет" каби долзарб тизимлари ҳақида йиғилганларга ахборот тақдим этилди. Ўз навбатида, иштирокчиларга давлат ҳамда жамият ҳаётидаги муҳим ахборот тизимлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат органлари мурожаати, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишни янада либераллаштириш билан боғлиқ жараёнларни соддалаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларнинг бориши тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Зиёда АШУРОВА.

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Олиб борилаётган бундай янгиликлар туфайли ҳарбий хизматнинг нуфузи юксалди. Мухими, ёшларимиз орасида мазкур соҳага бўлган қизиқиш ҳар қачонгидан ортиб, юртимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида хизмат қилиш шарафли вазифага айланди.

Тадбирда эртаимиз эгаларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда истиқлол ғоялари ҳамда она-Ватанга садоқат туйғусини шакллантириш ҳозирги глобаллашув даврида янада долзарб экани хусусида алоҳида айтиб ўтилди. Шундан келиб чиқиб, жойларда ушбу йўналишда салмоқли чора-тадбирлар қўрилиб, муайян ютуқ ва натижаларга қўлга киритилмоқда.

Иштирокчилар Президентимизнинг Хотира ва Қадрлар кунлари арафасида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда билдирган фикрларидан келиб чиқадиган устувор вазифаларга

## Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуси

этибор қаратишди. Зеро, суҳбатда таъкидланганидек: "Бундай мураккаб ва таҳликали вазият, бошимиздан кечираётган шиддатли замон, сўзсиз, барчамиздан доимо сезгир, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимизни талаб қилмоқда... Ана шундай кескин вазият давлатимиздан, жамиятимиздан ҳавфсизликини мустаҳкамлаш, ҳар қандай бало-қазоларнинг юртимизга қириб келишининг олдини олиш, чегараларимизнинг дахлсизлигини, ҳалқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш мақсадида замон талаб қиладиган, зарур чораларни амалга оширишни тақозо этмоқда".

Чақирилувчи ёшларни ўқитиш ва жисмоний тайёрлаш сифатини янада ошириш, уларнинг орасида соғлом турмуш тарзини кенг

қарор топтириш, ватанпарварлик туйғусини янада кучайтириш, дунёда бўлаётган воқеаларга нисбатан мустақил фикрини шакллантириш, умуман, ёш авлод вақиларида масъулият ҳамда дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш ушбу вазифалар сирасига кирилади. Бу борда эса маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бошқа тегишли ташкилотларнинг ролини юксалтириш, уларнинг ёшлар тарбияси борасидаги иштирокини кенгайтириш аниқ муқаддир.

Семинарда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зоқир ХУДОЙШУКУРОВ.

## Бокуда Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятининг тақдимоти

Яқинда Озарбайжон пойтахтида бўлиб ўтган III Халқаро мультимедиа фестивали доирасида Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятининг тақдимоти ташкил этилди. Унда дунёнинг 25 мамлакат, Озарбайжон илмий-ижодий доираси, талаба-ёшлар, журналистлар ҳамда меҳмонлар қатнашди.

### БИЗ ВА ЖАҲОН

Мамлакатимиз бўлмасида ўзбек халқ амалий санъатининг ранг-баранг намуналари ва қўли гул хунарманд усталаримиз яратган дурдоналар тақдим қилинди. Ўзбекистоннинг тарихий-маданий мероси, қадимжолари, шунингдек, "Соғлом она ва бола йили" Давлат

дастурининг ҳаётга татбиқ этилишига доир маълумотлар барчада катта қизиқиш уйғотди.

Айни чоғда иштирокчилар юртимизда сайёҳликни ривожлантириш, миллий маданият ва маънавиятни қайта тиклаш ҳамда юксалтириш бўйича олиб борилаёт-

ган чора-тадбирлар билан яқиндан таништирилди.

Анжуманга таширф буюрганлар ўзбек миллий таомларидан ҳам баҳраманд бўлдилар.

Халқингиз маданиятию аънавалари доимо сайёҳлар эътиборини ўзига тортиб келган, — деди **Покистоннинг Озарбайжондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Халид Кайсер**. — Бу табаркур замин ҳамаша бой тарихи билан донг таратган, инсоният цивилизациясида ўчмас из қолдирган буюк мутафаккирларга бешик бўлган. Амир Темур, Алишер Навоий, Мирзо Улугбек, Ибн Сино ҳамда жаҳонга машҳур бошқа кўплаб

улуг сиймоларнинг сўнмас шукрати Ўзбекистон довруғига доврқ қўшмоқда.

Шу билан бир қаторда, мамлакатимизнинг Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳрлари ҳам ҳеч қимни бепарқар қолдирмайди. Давлатимиз раҳбари томонидан бетақдор тарихий меросни асраб-авайлаш йўлида катта ишлар амалга оширилаётган. Пировардида юртимиз аҳли ва туристлар ана шундай беқиёс қадриятлардан баҳраманд бўлишяпти.

— Мазкур форум турли миллатлар қадриятлари билан яқиндан танишиш учун катта имконият яратди, — деди **Аргентинанин**

«Жаҳон» АА.  
Боку

Омонулла ФАЙЗИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.



